

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультетлараро чет тиллар кафедраси
ўқитувчиси

Дадабаева Феруза Хусанбоевнанинг

“Шахсга йўналтирилган ёндошув асосида
ўқувчиларда грамматик компетенцияни
шакллантириш”

НОМЛИ

МАҚОЛАСИ

Наманган-2018

Бизга маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ долзарб масалалардан бири бўлган чет тилини ўрганиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимида ва ҳаттоки мактабгача таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш ва ўргатишга алоҳида эътибор қаратиб келинган. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов фармонида мувофиқ 2012 йил 10 декабрда жорий қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари” тўғрисидаги ПҚ18-75 сонли қарори ушбу соҳада амалга оширилаётган туб ислохотларнинг амалий натижаси десак, муболаға бўлмайди. Ушбу қарорнинг туб моҳияти замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат[1,3].

Маълумки, чет тили грамматикасини ўзлаштирмай туриб, шу тилда тўғри ва раво гапириб бўлмайди. Шу боис чет тилини ўрганиш жараёнида грамматик билим, кўникма ва малакага эга бўлиш долзарб ҳисобланиб келинган. Чет тил грамматикасини лингводидактик илмий муаммо сифатида илғор таълим технологиялари доирасида тадқиқ этилиши бежиз эмас. Нутқнинг грамматик жиҳатини ўзлаштириш ҳам мураккаб, ҳам зарурий методик жараён ҳисобланади. Грамматикшунос олим В.С.Цетлин таъкидлагандай, грамматик механизм илмий концепциясига кўра нутқнинг грамматик кўникмасини ҳосил қилишда грамматик амал эгалланади, тайёр материал ўрганилади ва грамматик умумлашма ўзлаштирилади. Ўқувчиларни янги грамматик ҳодиса билан таништириш усуллари методикада ишлаб чиқилган омиллар билан белгиланади: 1) ўрганилаётган грамматик ҳодисанинг тил хусусиятларини эътиборга олиш; 2) она тили ва

чет тили грамматик ҳодисаларининг ўхшашлиги ёки фарқини ҳисобга олиш; ва 3) ўрганилаётган чет тилидан тўпланган тажрибага суяниш[3,15].

Чет тил грамматикасини ўргатишда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни умумлаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Бизга маълумки, шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ташкил этилган таълим - бу ўқув жараёнининг мақсад ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ўқув дастурлари ва ДТС талаблари асосида ташкиллаштирилган ва ўқувчиларнинг ўқув жараёнида шахс сифатида иштирок этишини таъминловчи ва унинг таълим олишга бўлган иштиёқини ривожлантирувчи таълимдир.

Шахсга йўналтирилган ёндашув Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида инновацион ҳодиса ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёни доирасида ўқувчиларнинг шахсий муаммоларини ечишга йўл очадиган серқирра таълим майдони вужудга келиши зарур[4,7].

Ўзбекистон Давлат таълим стандарти ҳам чет тилини ўрганишда коммуникатив-фаолият ва шахсга йўналтирилган, интегратив ва компетенцияли ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган.

Шахсга йўналтирилган ёндашув чет тил таълимида нафақат илмий билимлар бериш, балки таълим жараёнининг иштирокчилари

(ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар) муносабатларининг фаол шаклларига асосланган таълим жараёнини ташкил этади. Ушбу ёндашув ўқувчининг характери ва ривожланиш йўналишини ўрганиш, унда индивидуалликни шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ўқувчининг ривожланиш ҳолатини унинг аввалги ҳолати билан солиштириш орқали амалга оширишни кўзда тутди[1,3].

Бундан ташқари И.А.Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг асосий ва энг муҳим компоненти сифатида шахснинг шаклланиши ва фаолияти ифода этилган. Шахс –

кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчисидир.[2,5]

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий- ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол авлодни ривожлантиришни назарда тутди.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёни доирасида ўқувчиларнинг шахсий муаммоларини ечишга йўл очадиган серқирра таълим майдони вужудга келиши зарур.

Ўзбекистон Давлат таълим стандарти ҳам чет тилини ўрганишда коммуникатив-фаолият ва шахсга йўналтирилган, интегратив ва компетенцияли ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари И.А.Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг асосий ва энг муҳим компоненти сифатида шахснинг шаклланиши ва фаолияти ифода этилган. Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчисидир.[2,] Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий- ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтиришни назарда тутди.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг моҳияти, мазмуни, мақсад ва вазифалари, назарий ва амалий асослари, методлари, унинг психологик, дидактик ва методик йўналтирилганлиги, турлари, унинг чет тили дарсларидаги аҳамияти, чет тил грамматикасини ўрганиш ва ўргатишдаги ўрни борасидаги илмий изланишлар ва Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида чет тил дарсларини ташкил қилишнинг илмий-методик асослари борасида ҳам хорижда бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, С.М. Колинкин (Личностно-ориентированный подход в обучении иностранному языку),

В.В. Шачков (Личностно-ориентированный подход в преподавании иностранного языка), И.С. Якиманская (Личностно-ориентированное обучение в современной школе), О. Казакова (Роль личностно-ориентированного подхода при обучении иностранным языкам),

Т.И. Бекаревич (Понятие подхода в теоретических исследованиях по методике преподавания иностранным языкам в начальной и средней школе), Виктория Корбе (Handlungsorientierter Grammatikunterricht), Герхард ва Бах Тим (Englischunterricht. Grundlagen und Methoden einer handlungsorientierten Unterrichtspraxis), А. Тиммер

(Handlungsorientierung im Fokus, Impulse und Perspektiven fuer den Fremdsprachenunterricht im 21. Jahrhundert), М Шифлер (Learning by doing im Fremdsprachenunterricht. Handlungs-und Partnerorientierter Fremdsprachenunterricht mit und ohne Lehrbuch) кабиларнинг ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

Юртимизда ҳам чет тил грамматикаси ва шахсга йўналтирилган ёндашув соҳаси бўйича кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Хусусан, ўзбек аудиториясида чет тил грамматикасини ўргатиш муаммолари Т.Қ. Сатторов (Методическое содержание обучение активной грамматике английского языка в узбекской средней школе), Л.Р. Беньяминов (Методика преподавания английских временных форм Past Indefinite и Past Continuous в узбекской студенческой аудитории), Н. Бакаев (Методика обучения пониманию форм прошедшего времени французского глагола при чтении литературы по специальности), Ж. Бўронов (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси), М.М. Мамаджонова (Формирование рецептивных грамматических навыков английского языка у учащихся на начальном этапе обучения), И.А.Ҳакимов (Ўрта мактабда немис тили грамматикасини ўргатиш), М.А.Абдуллаева (Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета(на материале Present Continuous, Present Perfect английского глагола)), А.А.Исоқов (академик лицей ўқувчиларининг инглиз тилида тил

кўникмаларини такомиллаштириш технологияси) каби бир қатор олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Педагог олимлар томонидан шахсга йўналтирилган ёндашув муаммоси билан боғлиқликда илмий изланишлар олиб борилган, унинг турли босқичларида вужудга келадиган педагогик ва методик муаммоларни ечишнинг дидактик имкониятларини таҳлил қилинган бўлсада, шахсга йўналтирилган ёндашув ва уларни чет тил дарсларидаги аҳамияти ва чет тил грамматик компетенцияларини шакллантиришда қўллаш усулларини яратиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари; Тошкент, 2013 й
2. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури Тошкент, 1997 й
3. Цетлин В.С. Знания, умения и навыки в обучении иностранным языкам. Общая методика иностранных языков. 1991 г
4. Маъмуров Б.Б Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари, п.ф.н, дисс, Тошкент 2009 й